

ОМОНИМ ВА СЎЗ ЎЙИНИГА АСОСЛАНГАН РУС ТОПИШМОҚЛАРИ

*University of economics and pedagogy
Педагогика ва тилларни ўқитиши кафедраси катта ўқитувчиси
Тиллабаева Ф.А.*

Аннотация: Мақолада рус топишмоқлари орасида омоним ва сўз ўйинига асосланган топишмоқлар рус ва ўзбек тилида таҳлил қилинган. Оддий ва мураккаб тузилишга эга бўлган топишмоқларнинг мантиққа асослашиши, масала топишмоқлар хисоб-китоб қилиш орқали ёритилиши асослаб берилган. Сўз ўйинига асосланган топишмоқлар болаларнинг алфавитни, ундаги ҳарфларнинг ўрнини, қайси сўзда қандай ўрин тутишини қай даражада билишини синовдан ўтказиши бўйича фикрлар келтирилган. Русча антропонимлар тасвирланган. Омонимга асосланган топишмоқларнинг русча ва ўзбекча вариантлари келтирилган. Улар орқали халқнинг сўзга бадиий муносабати акс эттирилган.

Аннотация: В статье анализируются омонимы среди русских загадок и загадки на основе игры слов в русском и узбекском языках. Приводятся загадки с простой и сложной структурой, которые основаны на логике, путём решения задач вычислением загадок. Рассматриваются идеи о том, как загадки словесной игры проверяют знание детьми алфавита, расположения букв в алфавите. Описаны русские антропонимы. Представлены русский и узбекский варианты загадок на основе омонимов, в которых отражается художественное отношение народа к слову.

Annotation: The article analyzes homonyms among Russian riddles and riddles based on word play in Russian and Uzbek languages. Riddles with a simple and complex structure are given, which are based on logic, by solving problems by calculating riddles. Ideas are considered on how word game riddles test children's knowledge of the alphabet, the arrangement of letters in the alphabet. Russian anthroponyms are described. Russian and Uzbek versions of riddles based on homonyms are presented, which reflect the artistic attitude of the people to the word.

Калит сўзлар: сўз ўйинига асосланган топишмоқ, омоним, антропоним, оддий ва мураккаб, бадиий муносабат, вариантлар, таҳлил.

Ключевые слова: загадки на основе игры, омоним, антропоним, простые и сложные, художественное отношение, анализ.

Keywords: riddles based on the game, homonym, anthroponym, simple and complex, artistic attitude, analysis.

Рус топишмоқлари орасида омоним ва сўз ўйинига асосланган масала топишмоқлар алоҳида ўрин тутади. Бундай топишмоқлар, асосан, катта ёшлилар учун бўлиб, “жавобли топишмоқлар” ҳисобланади.

Жавобли катталар топишмоқлари тузилишига кўра, оддий ёки мураккаб кўринишда бўлади.

На что похожа половина апельсина? (На другую половину).

(Апельсиннинг ярми нимага ўхшайди? (Унинг ярмига).

Бир гап кўринишида тузилган ушбу топишмоқ оддий тузилишли бўлиб, унинг ечими мантикий фикрлаш асосида юзага чиқади.

Бундай топишмоқлар хоҳ оддий, хоҳ мураккаб тузилишга эга бўлсин, чуқур мантикқа асосланиши, масала каби ечилиши билан ажралиб туради. Айниқса, масала-топишмоқлар каттаю кичиклар учун қизиқарлидир.

Масала-топишмоқлар ўзбек фольклорида ҳам мавжуд. Уларнинг жавобига ҳисоб-китоб қилиш орқали эришилади. Масалан, қуйидаги топишмоқ ҳисоб-китобни эгаллаган болалар эътиборига ҳавола қилинади: “Берёзада тўқсонга олма бор эди. Қаттиқ шамол туриб, шундан ўнтасини ерга туширди. Қанча олма қолди?”

Бу топишмоқ боланинг ҳисоб-китобни билишидан ташқари, зийраклигини, ҳушёрлигини ҳам синайди. Чунки ҳушёр бола мантиқан “берёзада олма ўсмайди” деб жавоб бериб, тўғри ҳукмга келганини маълум қилади.

Сўз ўйинига асосланган аксарият топишмоқлар болаларнинг алфавитни, ундаги ҳарфларнинг ўрнини, қайси сўзда қандай ўрин тутишини қай даражада билишини синовдан ўтказди. Масалан: “Что в России на первом месте, а во Франции на втором? (Буква “Р”). / “Нима Россияда биринчи ўринда, Францияда эса иккинчи ўринда туради?” (“Р” ҳарфи).

Бир қараганда, бу топишмоқда қўлланган “что” / “нима” сўроқ олмоши унда нимадир нарса-ходиса ҳақида сўз юритилаётганга ўхшайди. Бироқ унда “ҳарф” ҳақида сўз бормоқда.

Как известно, все исконно русские женские имена оканчиваются либо на “а”, либо на “я”: Анна, Мария, Ольга и т.д. Однако есть одно-единственное женское имя, которое не оканчивается ни на “а”, ни на “я”. Назовите его. (Любовь). (Мазмуни: Барча русча аёл исмлари “а” ёки “я” билан тугайди. Анна, Мария, олга ва бошқалар каби. Бироқ “а” ёки “я” билан тугамайдиган битта аёл исми бор. Уни топинг? Бу севги маъносини билдирадиган Любовь исмидир.

Русча антропонимлар – Оля, Катя, Таня, Яша, Боря, Рита каби исмлар саналган ушбу топишмоқда шу номларнинг бош ҳарфи териб олиниб, бир қаторга қўйиб ўқилса, О+К+Т+Я+Б+Р сўзи келиб чиқади.

Оля, Катя, Таня, Яша, Боря, Рита за собою тянут мягкий знак. (Октябрь).

Октябрь сўзи йил таквимида ўнинчи ой номини билдириб келади. Рус тилида унинг орқасидан юмшоқ белгиси кўшилиб, “Октябрь” кўринишида ёзилади.

Қуйидаги топишмоқ “ъ” – “юмшатиш белгиси”нинг қўлланиши ҳақида экани билан диққатни тортади.

Чем кончаются день и ночь? (Мягким знаком).

Ўзбек тилида “Кун ва тун нима билан тугайди?” мазмунидаги ушбу топишмоққа унинг русча вариантыдаги каби “юмшатиш белгиси” жавоби тўғри келмайди. Лекин мантиқан уларнинг ҳар иккала тилдаги вариантыда “кун ва тун нима билан, яъни қай ҳолда тугайди” деган саволга эътибор қаратилгандай.

Навбатдаги топишмоқда ҳам рус антропонимларидан фойдаланилган:

Дарья с Марьей видятся, да не сходятся. (Пол, потолок).

“Дарья ва Мария бир-бирларини кўришади, лекин улар келишмайди. Бир-бирига етиша олмайди). Жавоби: Шип ва пол.

Баъзан, аксинча, исм-фамилиянинг келиб чиқишига ишора қилувчи топишмоқлар ҳам борлиги кузатилади:

Два гвоздя упали в воду. Как фамилия грузина? (Заржавели).

(Мазмуни: “Иккита уя сувга тушиб кетди, худди грузин фамилиясидагидек). Демак, ушбу топишмоқда грузинча “Заржавели” фамилияси маъноси назарда тутилмоқда.

Ҳарфлар ва сўзлар ўйинига асосланган бундай топишмоқлар рус фольклорида кўп учрайди. Улар замонавий руҳга эгаллиги билан анъанавий топишмоқлардан ажралиб туради. Масалан, қуйидаги топишмоқда математик соҳага мансуб “Тригонометрия” фанининг номи яширинган: “Какое слово начинается с трех букв “Г” и заканчивается тремя буквами “Я”?”

Демокчики, “Қайси сўз уч рақамидан сўнг “Г” ҳарфи билан бошланиб, яна уч рақамидан сўнг “Я” ҳарфи билан тугайди?”.

Дарҳақиқат, “Тригонометрия” сўзи рус тилида “Три – уч (3) + г (гономе) + три – уч (3) +я” кўринишида намоён бўлади. Гўё унинг таркибида иккита уч рақами бўлиб, биринчисидан кейин “г”, иккинчисидан кейин “я” ҳарфи келгандай. Бу ўзига хос қизиқарли ва бетакрор сўз ўйинидир. Ушбу сўз бошқа тилларда бу маънони беролмайди.

Шунингдек, қуйидаги топишмоқда акс этган сўз ўйини ҳам фақат унинг рус тилида яратилгани билан боғлиқ.

Соль, а не солёная, фасоль, а не зелёная.

Ноты фа и соль.

Рус тилидаги “соль” ўзбек тилида “туз, “фасоль” эса “ловия” сўзлари орқали ифодаланади. Топишмоқда яширинган нарса мусикадаги ноталардан иккитасининг номи – “фа” ва “соль”га ишора қилмоқда. Демак, бу ўринда ловия

номи “фасоль” билан мусиқа ноталарининг номи “фа, соль” шакли ўхшаш (ёзилиши яқин), аммо маънолари бир-биридан фарқ қилувчи омонимлардир. Бадиий ижодда омонимлар “тажнис” санъати ҳисобланади.

Омонимга асосланган яна бир қуйидаги топишмоқда русча “листы” сўзидан маҳорат билан фойдаланилган. Рус тилида бу сўз бир хил шаклда ёзилса-да, икки хил маънода қўлланади. Биринчиси – дарахтнинг барглари (листы деревья); иккинчиси – китобнинг varaқлари (листы книги). Жумладан:

Что общего найдёшь у дерева и книжки? (Листы)
(Дарахт ва китобда умумий бўлган нима бор?)

Бу ўринда рус тилида омоним сўз ҳисобланган “листы” сўзи топишмоқнинг жавоби сифатида унинг матни яратилишига асос бўлиб хизмат қилган. Лекин ўзбек тилида бу сўз ўрнида қўлланадиган “барг” ва “varaқ” сўзлари омоним сўз эмас.

Шуни ҳам айтиш керакки, ўзбек тилида омоним саналувчи “бурун” сўзи от сифатида қўлланганда метафорик тарзда маъноси кўчиб, полисемантиклик (кўпмаънолилиқ) касб этади. Бунда у иккита: а) кишининг юз қисмидаги ҳид билувчи тана аъзоси; б) бирор нарсанинг бўртиб чиқиб турган қисми (масалан, қоянинг бурни, кеманинг бурни каби) маъноларни билдириб келади. Ўзбек тилида “бурун” сўзи равиш сифатида қўлланганда, “аввал, илгари” деган маънода пайт тушунчасини ифодалаб келади.

Қизиғи шундаки, рус тилида ҳам “нос” / “бурун” сўзи полисемантик (кўп маъноли) сўз ҳисобланади. Қуйидаги топишмоқ матни айнан буни исботлай олади:

Есть всегда у кораблей и, конечно, у людей. (Нос).
(Ҳаммавақт кемаларда ва, албатта, одамларда ҳам бўлган. Бурун).

Антоним (зид сўзлар) иштирокида яратилган топишмоқлар ҳам кўпчиликни ташкил қилади:

Снаружи птица, внутри человек. (Самолёт).
Ташқаридан куш, ичкарасида одам. (Самолёт).

Чиндан ҳам, самолёт ташқаридан кушга ўхшайди, шунинг учун уни “темир куш” деб ҳам аташади. У осмонда кушдай парвоз қилади. Унинг ичида одамлар ўтириб, узоқ масофаларга учиб боришади.

Айрим топишмоқларда антоним сўзлар қўлланмаган эса-да, мазмуни мантиқий зидликка асослангани сезилади:

Кругом вода, а с питьём беда. (Море).

Атрофда сув бор, лекин ичишда муаммо бор. (Денгиз).
Ёки:

Каких камней в море нет? (Сухих). (Қанақа тош денгизда бўлмайдими? Қурук тош).

Қуйидаги топишмоқ мазмунан катталар учун мўлжалланган. Негаки, унда “зарплата” / “маош” тушунчаси яширинган: “Не лёд, а тает, не лодка, а уплывает”. Бу топишмоқ ўзбек тилига ўгирилганда, “Муз эмас, лекин эриб кетади, қайиқ ҳам эмас, аммо сузиб кетади” деган маънони англатади.

Маош инсоннинг меҳнати учун ойма-ой оладиган пули, иш ҳақидир. Юқоридаги топишмоқда маошнинг у ойдан-бу ойга етмаслигини, тез тугаб қолишини айтиш мақсадида қор музига, қирғоқдан сузиб, тез кўздан йўқолиб қоладиган қайиққа ўхшатиш.

Болалар маош сўзини, унинг моҳиятини чуқур идрок қилолмайдилар. Шу боис маош ҳақидаги бундай топишмоқлар болалардан кўра, катталарга мўлжалланади.

Хуллас, омоним ва сўз ўйинига асосланган топишмоқлар рус топишмоқлари орасида ажралиб туради. Улар орқали халқнинг сўзга бадиий муносабати акс этади.

Адабиётлар рўйхати:

1. М.К.Карпенко.Сборник загадок.Пособие для учителя.- М.:Просвещение,1988-80-85 с.
2. Д.Садовников.Сборник загадок,притч и задач. С.-Петербург. Типография Н. А. Лебедева, 1876 г.
3. Жўраева М. Топишмоқ айтиш жараёнидаги «шаҳар бериш» одатининг тарихий асосларига доир / Ўзбек фольклоршунослиги масалалари.3-китоб. – Тошкент: Фан, 2010. – Б. 201–211.
4. Жўраева М. «Шаҳар бериш» одати ва унинг топишмоқ айтиш анъанасида туган ўрни / Хоразм фольклори. XI-том. – Урганч, 2010. – Б. 15–18.